



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 12 июнь, № 113 (4266)

Сешанба

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ:

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ САММИТИ

Аввал хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 9-10 июнь кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлиси ва XI Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумида иштирок этди.

МДХнинг бу галги саммити икки жиҳати билан ажралиб туради. Аввало, унда Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг барчасидан давлат раҳбарлари иштирок этди. Анча йиллардан бундай тўлиқ таркибда ўтмаган эди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Ҳамдўстлик ҳаёт синовларидан ўтмоқда ва унинг тараққиёт йўли ҳамisha ҳам раван бўлмаганлиги ва бўлмаслиги табиий.

МДХнинг Санкт-Петербург саммити сўнги вақтларда пайдо бўлган ва тез-тез такрорланиб турадиган Ҳамдўстлик парокандаликка юз тутгани тўғрисидаги гап-сўзларга чек қўйди. Ун икки мамлакат президентларининг бир даврага йиғилгани улар орасида муайян ҳамфидриқ борлигини аниқлади. Турри, икки ва кўп томонлама муносабатларда ўзига хос муаммолар, ечимини кутаётган масалалар бўлиши табиий. Зеро, ҳар бир мамлакат ўзи танлаган йўлдан боради. Бу — инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Лекин ҳеч бир мамлакат яққа ҳолда ривожлана олмаслигини, айниқса, қўшнилари ва анъанавий ҳамкорларига таяншини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

МДХ миллий ва умумий манфаатларни бирлаштириш учун қулай механизмлардан иборат. МДХ мамлакатлари ўзаро сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик борасида яхши тажрибага эга эканлиги, тарихий муштараклик, халқларимизнинг бири-бирини яхши таниши ва эркин мулоқот қилиши катта имконият, бошқа халқаро тузилмаларга қиёсласанда, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос афзалликдир. Бундан факат унумли фойдаланмоқ керак.

Санкт-Петербург саммитида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг икки томонли фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Утган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган Минск саммитида Ҳамдўстлик Ижроия қўмитасига МДХни ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган давлатлараро ишчи гуруҳини ташкил этиш ва мазкур концепцияни иш-



лаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Ижроия қўмитаси раиси В.Рухайло шу ҳусуда президентларга ҳисобот берди. Концепцияни МДХнинг жорий йил октябрь ойида Дўшанбеда бўладиган саммитида қўриб чиқишга келишиб олинди.

Урашувда ташкилий масала ҳам кўрилди. МДХ Ижроия қўмитаси раисининг ваколат муддати тугаганиги муносабати билан бу лавозимга Россия Федерацияси вакили А.Вешняков номзоди қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Бу галги МДХ саммитининг иккинчи ўзига хос жиҳати унинг XI Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми ўтаётган кунларга тўри келгани бўлди. Ушбу анжуманда, Россия Президенти таъбири билан айтганда, жаҳон яқини ички маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг 50 фоиздан зиёди қатнашди. Форум доирасида турли кўргазма ва кон-

ференциялар ташкил қилинди, қўллаб-қўллаш битимлари имзоланди. Бу тадбир МДХ мамлакатларига ўз иқтисодий салоҳиятини намойён этиш, сармоя жалб қилиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини юзага чиқариш, чет эллик шериклар билан ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида ўзаро тажриба алмашиш учун қулай имконият яратди.

Президентлар анжумани доирасида ташкил қилинган "Инновация муваффақиятлар" кўргазмасини кўздан кечирдилар. "Работбардош Евровис" — ишонч макони мавзусида ўтган яқин мажлисида иштирок этдилар.

Ийрик халқаро тузилмаларнинг саммитлари икки томонлама музокаралар ўтказиш учун ҳам яқин имконият яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Санкт-Петербург саммити доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда юксак суръатлар билан ривожланиб бораётгани таъкидланди. Утган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ортганининг ўзидек бу фикрнинг ёқин далилидир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари, тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликнинг олий даражага қўтариш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб таъкидланди. Бугунги кунда ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланоётган. Сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик кўламини йилдан-йилга кенгаймоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз. 2006 йили бу борадаги курсатки 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Унинг

асосий қисмини машинасозлик, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилди. Хусусан, ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони тўрт юз элликдан ошди. Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокчида тўзилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари — савдо, энергетика, сугурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноатнинг бошқа тармоқларидир.

Мамлакатларимиз иқтисодийнинг девяри барча соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Айниқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли ме-

таллургия устувор тармоқлардир. Шунингдек, телекоммуникация ва дастурий таъминот, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболли порлоқ.

Ислон Каримов ва Владимир Путин икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда ўзаро кизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухаммедов билан ҳам учрашди.

Тарихи ва маданияти чамбарчас боғланган, тили ва дини бир ўзбек ва туркман халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келади. Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари бир неча бор ўтказилган. Бу саммитлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга интилаётган мамлакатларимизнинг янги асосдаги муносабатларига тамал тошини қўйди ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Ислон Каримов ва Гурбангули Берdimухаммедов Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларининг истиқболли, минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

МДХнинг Санкт-Петербург саммити Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасида интеграция жараёнини мустаҳкамлаётганини яна бир бор намойён қилди. Айни пайтда у икки томонлама музокаралар ўтказиш учун яқин имконият яратгани билан ҳам аҳамиятлидир. Саммит доирасида ўтган кўп ва икки томонлама музокаралар МДХга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.
Тошкент — Санкт-Петербург — Тошкент.
Абдувоҳид ТўРАЕВ
олган сурат.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш юзасидан салмоқли ишлар қилинди.

Ахборот соҳаларини жадал ва собитқадам ривожлантириш учун зарур қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий база яратилди. Ҳозирги замон талаблари ва демократик стандартларни инобатга олиб "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва тўрдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, шунингдек, янги тахрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқаруви такомиллаштириш тўғрисида"ги, "Мустақил телерадио каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришда муҳим роль ўйнади.

Давлатнинг ахборот соҳасидаги сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган сўз эркинлиги принциплари ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқлари бажарилишини ҳар тарафлама ва тўла-тўқис таъминлашга қаратилгандир.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий соҳалардаги мавқеи доимий равишда юксалиб бормоқда ва бунинг натижасида улар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислохотларни амалга оширишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг республикамиздаги энг йирик нодавлат хотин-қизлар ташкилоти — Ўзбекистон Республикаси ишбилармон аёлларининг "Тадбиркор аёл" уюшмаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. ЎЗА мухбири уюшма раиси Дилдора АЛИМБЕКОВА билан ушбу ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари ва янги лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги устувор вазифалар ҳақида суҳбатлашди.



ОИЛА ВА ЖАМИЯТДА, ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МАВҚЕИ ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА

— Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаётининг барча жабҳаларида самарали меҳнат қилмоқда, — дейди Д.Алимбаева. — Ёш авлод тарбияси ва уларнинг соғ-саломат ўсиб-ўлғайиши ҳам айнан аёлларимизга боғлиқ. Шу сабабли Президентимиз Ислон Каримов жамиятда хотин-қизлар ролини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини

қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ушбу жараённи ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан миллий қонунчиликка киритилган ўзгаришларга мувофиқ сиёсий партиялар томонидан қонунчилик ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда ўз

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Ўзбекистон польшалик сайёҳ нигоҳида

Польшадаги Плоц шаҳар музейида Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишланган «Боқий Марказий Осиё Леон Баршевский нигоҳида» фото-кўргазмаси очилди.

Тадбир машҳур польша сайёҳи ва тарихчиси Сингер невараси — сураткаш И.Строецкийнинг шахсий коллекцияси асосида Плоц шаҳри маъмуриятининг кўмаги остида ташкил этилди.

Ўзбекистон шаҳарларининг бетакрор кўринишлари, унинг диққатга сазовор жойлари ва тарихий мейморчилик ёдгорликлари, шу заминда яшаётган халқнинг анъаналари ва турмуш тарзи акс этган

ранг-баранг суратлар Плоц шаҳри жамоатчилигида, дипломатия корпуси, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва кўргазманинг кўп сонли меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги гуманитар алоқалар узоқ тарихий ришталарга эга эканлиги таъкидлашди. Ўзбекистон жаҳон илм-фани, маданияти ва санъати ривожига бебаҳо ҳисса қўшган кўпгина давлат ва дин арбобларини, олимлар, шоир ва файласуфларни тарбиялаб берган табаррук замин эканлиги қайд этилди.

«Жаҳон» АА,
Варшава.

Денов туманидаги Ўзбекистон Қарамони Аҳмед Нарзуллаев бошлиқ «Лочин» фермер хўжалиги жамоаси ўтган йиллар мобайнида 14 тадан зиёд маданий-маърифий объектларни бунёд этди.

«Лочин»нинг навбатдаги парвози

Орол қишлоғидаги 315 ўринли мактаб, болалар спорт мажмуи, қишлоқ врачлик пункти, соғломлаштириш маркази, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари шулар жумласидандир.

Яқинда эса фермер хўжалигининг маблари ҳисобидан «Хитоян» маҳалласида 8 та хонадондан иборат уй-жой, кутубхона, Миллий банкнинг Денов туман бўлими шохобчаси, бичиш-тиқиш цехи қурилиб, ишга туширилди. Уй-жойлар эса ёш оилаларга берилди.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнесга кенг йўл

Нуқсуда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳада рақобат муҳитини яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди. Таъкидландики, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 17167 та тадбиркорлик

субъекти рўйхатдан ўтказилган. Жорий йилда уларда 6156 та янги иш ўрни яратилди. 13 миллион АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот хорижа сотилди. Бу курсатки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анчайин кўпдир.

Қ. ЯНГИЕВ.



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БЕШ ОЙИ МОБАЙНИДА САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИДА



306 та
«ИСУЗУ»
русумли автобус
ва юк машина-
лари ишлаб
чиқарилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Корхонада мавжуд ички имкониятлар ишга солингани, автомобилсозлик соҳасида тўпланган бой тажрибадан оқилона фойдаланилгани, Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, бир қатор бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Сўнги соатда Боксчиларимиз ғалабаси

Газетамиз саҳифаланаётганда Мўғулистон пойтахти Улан-Батордан аjoyиб хушхабар олдик. Бу ерда бокс бўйича якунланган навбатдаги Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз 3 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медали билан 22 мамлакат вакиллари ичда норасмий умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин Мўғулистон, учинчи ўрин эса Қозғистон боксчиларига насиб этди.

Боксчиларимиздан Элшод Расулов (75 кг.), Аббос Атоев (81 кг.), Рустам Саидов (+91кг.) олтин, Орузбек Шоимов (54 кг.) ва Бекзод Хидиров (60 кг.) кумуш, Олимжон Назаров (48кг.), Жасур Матчонов (91 кг.) эса бронза медаллари совриндори бўлишди.

Гўзал йўлланма соҳиби

Ҳамюртимиз Гўзал Хубиева Қозғистонда энгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб, "Пекин — 2008" Олимпиадасида йўлланмасини қўлга киритди.


У 100 метрга югуриш баҳсларида 11,20 секунд натижага эришиб, Олимпиада йўлланмаси талабини бажарди. Бу ўзбекистонлик спортчиларнинг Пекин Олимпиадасида қатнашиш учун эришган учинчи йўлланмасидир.

Бундан олдин энгил атлетиканинг кўпқураш мусобақасида Виталий Смирнов, баландликка сакраш бўйича Светлана Радзевил ҳам Олимпиада йўлланмасига сазовор бўлган эдилар.
З. ЖОНИЕВОВ.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот

Бухоро вилоятида 26 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда.



Президентимиз фармонлари ва қарорларига мувофиқ, ишбилармонлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, солиқ идораларига тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга доир ҳужжатлар сони кескин қискарди. Давлат ва назорат органларининг қорхоналар молиявий-ҳўжалик фаолиятига қатъий таъқиқланди. Хўш, тадбиркорлар қонун билан кафолатланган бундай имтиёزلардан фойдалана олаётми? Бухоро вилоят ҳокими-

гида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши аъзолари ҳамда тегишли назорат идоралари вакилларининг тадбиркорлар билан ўтган очиқ мулоқотда шу ҳақда сўз борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси А.Ишметов, Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи И.Жасимов тадбиркорларнинг амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида атрафлича тўхтади. Видео-конференция шаклида ташкил этилган маъмур мулоқотда жойларда фаолият юритаётган тўрт мингдан зиёд ишбилармон ўзини қизиқтирган кўлаб саволларга жавоб олди. Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этди.

Кислотасиз оҳак



Тошкент кимё-технология институти олимлари узок излашиллардан сўнг таркиби фосфорли кислоталардан холи оҳак олиш усулини кашф қилдилар.

У Олмалик шаҳридаги "Аммофос" очиқ акциядорлик жамиятида синаб қўриладиган бўлди. Шунга мувофиқ, институт билан қорхона ўртасида шартнома имзоланиб, 15 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди.

Энг улуг, энг азиз

Республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

«Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Э. Боқибоев бошқарган тадбирда сўзга чиққанлар «Бу байрам — барчамизники, бугун халқимизники» деган эзгу гоани аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёшлар онгига

мустақилликнинг аҳамиятини чуқурак синдириш мақсадида Мустиқиллик байрамига бағишланган тадбирлар, тантанали маросимларни кўтаринки руҳ ва кайфиятда, юксак савияда ўтказиш ҳақидаги таклифлари билан фикрлашдилар.

Хўжаликнинг хайрли ишлари

Конимех туманидаги «Маданият» қоракўчлик ширкат хўжалиги Нурулла Амонжўлов оиласига соғин сугир ҳада қилди.

Хўжаликнинг кўмаги билан оиламиз сугирли бўлди, — дейди Нурулла ога. — Биз бундан беҳад мамнунимиз. Биздан ташқари овулдошларимиздан яна ўн беш нафарига ана шундай ҳиммат кўрсатилди — чорва моллар берилди. Бундай ғамхўрлик учун саховатпеша фермер ва тадбиркорлардан миннатдоримиз.

Ушбу хўжаликда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга сугир ва бошқа чорва моллар бериш давом этмоқда. Утган йили қоракўчлик хўжалиги қарийб 40 миллион сўм фойда олган бўлса, унинг ярмидан кўпроғини ана шундай чорва молларга сарфлади. Жорий йилнинг охирига қадар яна 20 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатиш мулжалланмоқда.

«Ҳар доим бўлсин қуёш»


Урганч шаҳар маданият ва санъат коллежида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида «Ҳар доим бўлсин қуёш» деб номланган ижодий фестиваль бўлиб ўтди.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган маъмур фестивал тўққизта йўналиш бўйича ўтказилди. Урганч туманидан Ш. Жуманиёзов «Еш расом», Гурлан туманидан О. Зарипов «Еш моҳир қўл», Урганч туманидан Б. Бобонова «Булбул овозли», хивалик Г. Хоналиева «Ракс маликаси» йўналишлари бўйича голиб бўлдилар.

Гурлан туманидан О. Зарипов «Еш моҳир қўл», Урганч туманидан Б. Бобонова «Булбул овозли», хивалик Г. Хоналиева «Ракс маликаси» йўналишлари бўйича голиб бўлдилар.

Пойтахт санъаткорлари Марғилон саҳнасида

Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидоғи 10 дан зиёд театр жамоалари Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига алоҳида дастур тайёрлади.



Таниқли саҳна усталарининг водийга ижодий сафарини Ўзбек Миллий академик драма ва Мухимий номидоғи Ўзбек давлат мусикали драма театлари бошлаб берди. Ҳар икки театрининг «Қирмизи олма» ва «Бор бўл, дугонажоним» деб номланган

спектакллариини марғилонликлар марок билан томоҳа қилдилар. Шунингдек, саҳна усталари билан ўрчашувлар ва мулоқотлар ҳам уларда катта таассурот қолдирмоқда.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ахборот соҳасида нодавлат институтлар ҳамда тузилмалар шаклланиши ва ривож топиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда техникавий шароитлар ҳам яратилган. Улар жумласига Журналистлар ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, шунингдек, бир канча жамоат бирлашмаларини киритиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда 663 газета, 195 журнал, 19 бюллетень чиқарил-

моқда, 53 телеканал, шу жумладан 29 та нодавлат телеканал, 35 радиоканал, шу жумладан 16 та нодавлат радиоканал, 79 та кабель студияси, 50 дан ортик наشريёт ишлаб турибди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг турли минтақалари аҳолиси 90 дан ортик хорижий теле ва радиоканаллар дастурларини кўриш ҳамда тинглаш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида «Оммавий ахборот воситаларининг янгиликларини тежорик билан ёритишдаги вазифалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган конференцияда оммавий ахборот воситаларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларини, хусусан, "...ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва гоьларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этишдан минбағра айлантиришдан туриб, демократияни чуқур-

лаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди», деган вазифани амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари оммавий ахборот воситалари давр кўзгуси эканлигини, бинобарин, улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнидан четда тура олмаслигига ало-

ҳида ургу бердилар. Мамлакатда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеалардан юртдошларимизни вақтида, ҳолисона хабардор этиш, ижтимоий фикрни шакллантириш, демократик ва умумбашарий қадриятларни одамларнинг онги ва шуурига синдириш ҳудди шу боис оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифалари деб қаралмоқда.

Анқуманда кенг қўлама фикр алмашинди, мамлакатимизда ва унинг сарҳадларидан ташқарида содир бўлаётган воқеаларни ўз вақтида, ҳолисалик билан ёритиш учун оммавий ахбо-

рот воситалари фаолиятининг қонунчилик базасини янада тақомиллаштириш, шунингдек, уларнинг демократияни чуқурлаштириш ва омманинг сиёсий фаоллигини оширишдаги ролини кучайтириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустиқкамлаш, журналистларнинг меҳнатини рағбатлантириш, профессионализмининг эса янги босқичга кўтариш масалалари юзасидан қатор тавсиялар билдирилди.

Конференция ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, журналистлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.



ХОРИЖЛИКЛАРНИ СЕҲРЛАГАН ЖОЗИБА

Бойсун нафақат пуриқор тоғлари, қир-адирликлари, балки хунарманд одамлари билан ҳам машҳур. Айниқса, бу ерда халқ амалий санъатининг каштачилик йўналиши кенг тарқалган. Утган йили туманда миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати музейи ва туризмни ривожлантириш маркази ташкил этилгандан сўнг каштачилик билан шуғулланувчилар сафи кенгайди. Биргина Тутбозор маҳалласида қирқ нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланди.

— Табиий ранг билан жиплантирилган ипак аёлларимиз тикаётган сўзана ва кашталарда ўзгача жозоба кашф этади, — дейди каштачилик устаси Санобар Орипова. — Айниқса, бу юртимизга ташриф буораётган хорижлик сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда.

СУРАТДА: моҳир чевар Санобар Орипова иш устида.

Нурмагомол олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

номзодларини кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фойзлик квота белгилади. Буниқ натижасида бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 18 фойзи ва Сенати аъзоларининг 15 фойзини хотин-қизлар ташкил этади. Бу кўрсаткич бошқа кўлаб мамлакатларга қараганда анча юқоридир. Шуниси қувонарлики, улар орасида ушбу мамлакат аъзо хотин-қизлар ҳам бор. Мисол учун, уларнинг икки нафари сенатор, тўрт нафари Қонунчилик палатаси депутаты ҳисобланади, яна 20 нафари халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашларига сайланган.

— Хотин-қизлар орасида йирик қорхона ва ташкилотларга раҳбарлик қилаётганлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Статистика маълумотларига кўра, айни пайтда уларнинг 75 фойзи асосан соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, илм-фан соҳаларида меҳнат қилмоқда. Айтинчи, иктисодиёт тармоғида хотин-қизларнинг иштироки қандай?

— Хотин-қизларнинг иктисодиётнинг хусусий сектори ва хизмат кўрсатиш тармоғида бандлик даражаси мунтазам ортиб бормоқда, саноят, алоқа соҳасида эса бу кўрсаткич бироз паст. Шундай эса-да, аёлларимизнинг тадбиркорлик, мақсадга интилувчанлик, қўйилган вазифаларини ҳал қилишга интилиш, ҳар қандай вазиятдан чиқа олиш каби ишчанлик фаиллатлари бу соҳаларда ҳам асқотиши мумкин. Шунинг таъкидлаш керакики, хотин-қизлар ижтимоий маъвоқини ўсиши уларнинг иктисодий мустиқиллиги ортиб бораётгани билан бевосита боғлиқдир. Президент Ислоом Каримовнинг фармониини бажариш доирасида мамлакатимизда хотин-қизлар учун янги иш ўринларини яратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ҳисобидан уларнинг иктисодий аҳолини яхшилашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ушбу мамиз 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, мустиқиллигимиз билан тенгдош. Ва бу ўзига ҳос рамаий маънога эга. Чунки айнан мустиқиллик Ўзбекистон хотин-қизларига ўз салоҳияти ва истеъдодини намоён этиш учун катта имкониятлар очиб бер-

ди, уларнинг шах сифатида шаклланишига мустиқкам замин яратди. «Тадбиркор аёл» уюшмаси фаолияти ҳам мамлакатимиз иктисодиётида бозор муносабатларини жорий этишда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши учун қўлай шарт-шароит яратиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнесда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бугунги кунда уюшмага 5 миқ нафардан ортик тадбиркор аёл аъзо. Улар ўз фаолияти да-

«Тадбиркор аёл» уюшмаси амалга ошираётган аҳамиятга молик лойиҳалар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Уюшмамиз томонидан ҳаётга татиқ этилган ва айни пайтда амалга оширилаётган кўлаб лойиҳалар, аввало, ҳар бир хотин-қизнинг ҳимоясини қўллаб-қувватлаш, ўз кўчига бўлган ишончини оширишга қаратилган. Бу лойиҳаларни жорий этишда ўзимизнинг ва хорижий тажрибадан фойдаланмоқда-

лиши хотин-қизларимиз учун шундай имконият яратди. Натижада оилалар даромади кўпаймоқда, фаровонлиги юксалмоқда, она ва аёл энди фақат ўй бекаси бўлиб қолмасдан, оилада, маҳаллада унинг обрў ва нуфузи ошмоқда. Уюшмамизнинг ўқув дастурлари самарадорлиги эътироф этилмоқда, ЮНЕСКОнинг «Катталар учун ўқиш» халқаро конференциясида ушбу дастурлар дунёдаги энг яхши моделлар сирасига киритилди.

Самарали лойиҳалардан

ҳам ўз самарасини берди. Уларнинг маҳаллий миқёсдаги лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторингини ўтказиш борасидаги салоҳиятини мустиқкамлаш учун Олий Мажлис, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари бўйича экспертлардан иборат мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилди. Маҳаллаларнинг иктисодий салоҳиятини ошириш имкониятлари ўрганиб чиқилди, жойларда тажриба лойиҳала-

қизга бизнес юритиш кўниқмаларини ўргатди.

— Маълумки, сиз раҳбарлик қилаётган уюшманинг хотин-қизлар орасида тадбиркорликни ривожлантиришга самарали кўмаклашиш бўйича тўплаган тажрибасига хорижда ҳам қизиқиб катта...

— Вакилларимиз ушбу мавзу бўйича кўлаб халқаро конференцияларда иштирок этди, уларнинг ушбу тадбирлардаги маърузаларини кўпчилида катта қизиқиш уйғотди. Бу табиий, албатта. Негаки, бугун Ўзбекистон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қўбияти ва иқтидорини рўёбга чиқаришга имкон қадар қўлай шарт-шароит яратиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотларининг муваффақиятли ҳамкорлик қилиши борасида кўлаб мамлакатлар учун намуна бўла олади. Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ҳозирги кунда Бутунжаҳон «Business professional women» ташкилоти, МДХ Хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари асосланган аъзоси, Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳамкори ҳисобланади. Қатор мамлакатлар савдо-саноат палаталари, тадбиркорлик уюшмалари билан алоқаларини кенгайтириш ушбу давлатлар ишбилармон доиралар вакиллари билан тўғридан-тўғри шериклик муносабатларини ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Бизнинг тажрибамиздан қатор кўшни давлатларда ишбилармон аёллар уюшмасини ташкил этишда фойдаланилди. «Тадбиркор аёл» уюшмаси БМТнинг Хотин-қизлар манфаати йўлидаги тараққийт жамғармасининг (ЮНИФЕМ) махсус муфоти, «Касба ўқитиш ва микрокредитлаш орқали хотин-қизларнинг иктисодий маъвоқини оширишга кўмаклашиш» номинациясини бўйича маъмур ташкилотнинг сертификат ҳамда муқофотларига сазовор бўлди.

Яна бир бор шунини таъкидлашнинг истардимки, уюшмамиз давлатимиз томонидан қўрғатилаётган катта ёрдам, Юртбошимизнинг доимий эътибори тўғрисида муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий маъвоқини юксалтириш, ижтимоий ҳимояга молик қарорларини қабул қилишда иштирок этиш, мамлакатимизда кенг қўламли тўб ўзгаришларини амалга ошириш борасида муваффақиятларга эришмоқда.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларга бизнесда, микрокредитлаш, илгор технологияларини ўзлаштириш, янги касбларга ўргатиш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ёрдам беришга қаратилган қатор лойиҳаларимиз бор. Мисол учун, яқинда Фарғона водийси хотин-қизларини тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон нодавлат нотиқорат ташкилотлари миллий ассоциациясини гранттини қўлга киритдик. Лойиҳани амалга ошириш доирасида учта вилоятнинг ҳар бир туманидан мураббийлар тайёрланди. Улар, ўз навбатида, 500 нафар хотин-

ЎзА мухбири А.ИВАНОВА сўхбатлашди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

«Ofek-7» фазода

Душанба куни Исроилда «Ofek-7» номли кузатувчи сунъий йўлдош парвози муваффақиятли амалга оширилди. Сунъий йўлдош орбитага кўтарилиши билан ўз фаолиятини бошлади. Маълумотларга кўра, биринчи фотосуратлар яқин кунларда Ерга узатилади.

Бу сунъий йўлдош аввалги «Ofek-6» курилмасининг издоби саналади. Курилма 2004 йилда Урта ер денгизига кулаб тушган ва чўкиб кетган эди.

Қайси партия олдинда?

Францияда парламент сайловларининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакат президенти Николля Саркози бошқарувдаги «Халқ ҳаракати учун иттифок» (UMP) партияси 39,54 фоиз овоз тўплади, Миллий ассамблеянинг 93 та ўрини банд этди.



UMPнинг асосий рақиби ҳисобланмиш Социалистик партия сайловчиларнинг 24,73 фоиз овозига эга бўлди. «UDF-MoDem» партияси 7,61 фоиз, Миллий фронт 4,29 фоиз, Коммунистик партия 4,29 фоиз, Суллар 3,41 фоиз, «Яшиллар» 2,25 фоиз овоз тўплади.

Умумхалқ тадбирида сайловчиларнинг 60,24 фоизи қатнашди. Миллий ассамблеяда қайси партиянинг қанча ўринга эга бўлиши сайловнинг иккинчи тури натижаларига қараб аниқланади. Эслатиб ўтамиз, иккинчи босқич сайловлари шу йил 17 июнь куни бўлиб ўтади.

Қароргоҳ ўққа тутилди

Ўтган тунда Фаластин бош вазири Исмоил Ханья қароргоҳи жангарилар томонидан ўққа тутилди. Соҳиб этилган террорчилик оқибатида ҳеч ким жабрланмаган.

ФАТХ ва ХАМАС ўртасидаги тўқнашувлар натижасида сўнги кунларда Фазо секторида тўрт киши ҳалок бўлиб, яна 36 нафар одам жароҳатланди. Матбуотдаги хабарларга қараганда, бош вазири қароргоҳига ҳужум ҳам шу икки кун ўртасидаги қелишмовчилик оқибатида содир бўлган.

Мастлик келтирган фожиа

Колумбияда икки нафар аскар маст ҳолатда тинч аҳоли вакиллари билан орти нафарини отиб ўлдирди. Воқеа мамлакат пойтахти Боготадан 320 км. жанубдаги Какета музофотида содир бўлган. Колумбияда қуролли

кучлар ва аҳоли ўртасида юз берадиган бундай ноҳуш ҳодисалар жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўтган йилнинг февраль ойида содир этилган тунга ўхшаш ҳолат мамлакатда катта жанжалларга сабаб бўлган.

Европа сафари якунланди

Жорж Буш Болгария ҳукуматида АҚШ ҳарбийларининг Ироқ ва Афғонистондаги фаолиятини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Буш Софияга ташрифидан кейин ўзининг Европага қилган саккиз кунлик сафарини якунлади. Учрашувларда Болгария раҳбарияти билан Косовога мустақиллик бериш масаласи бўйича музокаралар олиб борилган.

АҚШ президенти Европага сафари давомида Германия, Чехия, Польша, Италия ва Албания давлатларида бўлди.

Болливудча «Оскар»



Томошабин қатнашди. Мукофотлаш тантаналарини дунёнинг 110 мамлакатидан жами 500 миллион одам томоша қилди.

«Голливуднинг эмас, Болливуднинг «Оскар» деб номланган мукофотни «Баҳорий ранг бер!» фильми қўлга киритди.

Англиянинг Шеффилд шаҳрида Ҳиндистон фильмларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Аънавий бўлиб қолган ушбу маросимда 30 минг

«Энг яхши эркак роли учун» номинациясига актёр Хритик Рошан, «Энг яхши актриса» номинациясига эса Рани Мукержи сазовор бўлди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда, бир гектар майдондаги икки тонна сомон куйиб кулга айланса, 200 минг сўмлик иқтисодий самарга елга совурилар экан. Бу рақамни юзга ёки мингга кўпайтирсангиз, миллион-миллион сўмлар пайдо бўлади.

Ғалласи ўрилган майдон ёнса, ризқ-рўзимиз манбаи — ер ҳам ишдан чиқади. Юқори ҳарорат таъсирида унинг унмудор устки қатлами қуяди.

Ана шу сабабларга кўра, юртимизда ҳар йили ўрими-йғим мавсумида далаларга ўт қўйишга қарши кескин кураш олиб борилапти. Жум-

маси ишлаб чиққан назорат режасида ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлаш арасида сомон ва бугдой қолдиқларини ёқиб қатъиян тақиқланганлиги фикримизнинг иботидир. Масалга шу нуктаи назардан ёндашганда, республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда Молия вазирликлари-

бидан ернинг балл бонитети, ҳосилдорлиги ва дон маҳсулотларининг харид нархидан келиб чиққан ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 88-моддасига биноан, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиниши белги-ланган. Ўз навбатида, бой берилган ҳосил эвазига ҳар гектар ер ҳисобидан 100 минг сўмдан товуш пули ундирилиши кўрсатилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш, тақририй экин экиш учун ғалласи ўриб олинган ерларни албатта плуг билан жайдаш шартми?

Тажрибали деҳқонларимизнинг фикрича, бундай ортиқча оворагарчилик ва сарф-харажатларга деярли ҳолат йўқ. Ундан қўра, далани ўрим чоғида тўқилган дон ва сомонлардан обдон тозалаб, сув тараши, тупроқ обитобига келгач, ерни культиватор ёрдамида юмшатиб, исталган экинни экиш маъқул. Шундай қилинса, ғалла хирмони бойиб, чорва моллари учун талайгина озуқа жамғарилади.

Қолаверса, ер нами узоқ сакланади. Сомон ва поялар эса ўзига хос соябон вазифасини ўтаб, ёз жазирамасида ўтқазилган кўчат ёки сепилган уруғдан униб чиққан ниҳолларни қовжираб-қуриб қолишдан сақлайди.

Тилсиз ёвга қарши кураш фақат ғаллакорларнинг, меҳанизатор-ҳайдовчилар ва масўлларнинггина эмас, балки барчамизнинг бурчимиздир. Бироқ, айрим юртошларимиз бу ишга панжа орасидан қарамқодалар. Масалан, аввалги мавсумлардан бирида Тошкент вилояти ҳудудида катта йўлдан ўқдек униб бораётган енгил автомобиль ҳайдовчиси қўлидан сигарета қолдиғини ўчирмай, машина деразасидан ташқарига улоқтиргани тўғрисида маълумот берилди.

Ташқарига улоқтиргани тўғрисида маълумот берилди. Тўғрисида маълумот берилди. Тўғрисида маълумот берилди. Тўғрисида маълумот берилди.



ЕР ТЎЙДИРАР, ЎТ КЎЙДИРАР

ладан, 2005 йили 2820 гектар ғаллазорда сомон ёқилгани аниқланди, 481 шахс жаримага тортилган. Бу-

нинг «Бошоқли дон экинлари пояси (сомони) ёқиб юборилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни со-

Эҳтиёт — шарт!

тур эса 486,2 гектар майдонга атай ўт қўйилгани қайд этилди ва бу ишга қўл урган 111 киши қилмишига яраша жазоланди. Айрим фермерларнинг тасарруфидоги ерларни қайтариб олиш ҳусусида туман ҳокимликларига табиати муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бошқармалари, ҳўқўқ-тартибот идоралари томонидан тақдимномалар киритилди.

Шубҳасиз, бундай сазў ҳаракатлар янги мавсумда ҳам изчил давом эттирилоқда. Президентимизнинг «2007 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳжа-

дир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма қарори ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳўжжатда ёқилган ҳар гектар майдон учун экинлар ҳисо-

дир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма қарори ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳўжжатда ёқилган ҳар гектар майдон учун экинлар ҳисо-

дир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма қарори ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳўжжатда ёқилган ҳар гектар майдон учун экинлар ҳисо-

ИШ КЕРАКМИ? МУАММОСИЗ!

Андижон шаҳридаги Навоий номли маданият ва истироҳат боғида аънавий меҳнат ёрмаркаси ташкил этилди. Унда Андижон шаҳри, Андижон,

Избоскан, Олтинқўл, Асака туманларидаги корхона ва ташкилотлар томонидан 580 тага яқин бўш иш ўринлари таклиф этилди. Натижада 400

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲИММАТ

Тошкент иссиқлик электр станциясига қарашли поликлинанинг Салор кўрғончаси ҳамда «Унқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқароларга хизмат кўрсатувчи тез тиббий ёрдам маркази «Дамас» русумли замонавий амбулатория машинасига эга бўлди. Ушбу автомобилни қиёраликларга «Интер-Роҳат» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси тақдим этди.

А. НАБИЕВ.

«SITWET INVEST» ҚҚ
Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.

Дилернинг асосий вазифаси қўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва омондор мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни сотишдир:

- фермер ва деҳқонлар ишлатадиган, пивё, қарам ва бошқа сабазловларни солиш учун мўлжалланган 80 сантиметрлик тўр қоплар;
- фермер ва деҳқонлар учун ҳўжаликлар ҳамда қурлишларда ишлатиладиган ингичка лентарқон (ленташпагат);
- сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат);
- юк автомобиллари учун автошиналар (240-508R, 260-508R, 280-508R).

Маҳсулотлар сертификатланган.
Меҳнат ҳақи — келишилган ҳолда.
Телефонлар: 135-09-28, 142-50-34.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Лабзак» даҳаси, Хўршид кўчаси, 1-«Б» уй.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТАБАНК»

жисмоний шахслар учун тақдим этувчига номинал қиймати 10000 сўм бўлган депозит (омонат) сертификатларини таклиф этади.

Ушбу депозит сертификатлар бўйича 3 ойлик муддатга йиллик 22 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Ҳукумат қарори билан депозит сертификатлардан оладиган даромадингиз солиқдан озод этилганлигини маълум қиламиз.

Сиз ушбу депозит сертификатларини «Пахтабанк»нинг исталган филиалларидан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон орқали мурожаат этишингиз мумкин: (8-371) 173-25-51.

«Пахтабанк» фаровонлигингиз калитидир!

Drive your way

Тел.: 215-89-89, 215-84-48. Кафолат — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

EURO 2008 HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

